

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 23 июль • сешанба № 28 (868)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz www.insonvaqonun.uz www.insonvaqonun.odliyo.uz

Обуна бўлинг!

“Инсон ва қонун”



Сиз билан,
Сизнинг
ҳимоячингиз,
Сизнинг
маслақдошингиз

Нашр кўрсаткичи — 137

Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятига бир назар

Миллий армиямиз — ғуруримиз, фахримиз

ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИГИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ПОСБОНИ



ЎЗБЕКИСТОН аскарлари! Озод ва обод юртининг мард, жасур посбонлари! Бу икки оғизгина калима юрагимизни чексиз фахри-ифтихорга тўлдиради. Қалбимизга хотиржамлик ва шукроналик каби ором-бахш ҳаловат бағишлай-

ди. Кўз олдимизда бошларини мағрур тутиб, шаҳам қадам ташлаётган ўзбек ўғлонлари сафи намоеён бўлади. Улар ким учун ва нима учун камарбаста эканлигини юрак-юракдан чуқур англаб етганлари боис ҳам юз-

кўзларида ишонч, қатъийлик, азму шижоат балқиб турибди. Энг замонавий жанговар техник қуролларни мукамал эгаллаган Алломишмонанд йигитларни кўриб, Юртбошимизнинг “...Миллий армиямизнинг ҳақиқатан ҳам

мутлақо янгича, замонавий негизда, авваламбор, юксак маънавий асосда ташкил қилинган” деган сўзлари нечоғли ҳаётӣ ҳақиқат эканлигига амин бўламиз. Бугунги ёшлар ўз она Ватанига хизмат қилишни

олий шараф, деб билишади. Бу беҳиз эмас, албатта. Зеро, Ватан эр-йигитнинг ор-номуси, шаъни, эрк ва ғуруридир. Бу юксак туйғулар ҳар бир аскарнинг иймон-эътиқоди-га айланиб улғурган.

Мустақиллигимиздан олдинги даврни бир кўз олдингизга келтиринг. Ёши улуг кишилар яхши билишади. Ўша кезларда фарзандини армияга юборган ота-оналарнинг кўнгли хамиша нотинч, беҳаловат бўлар эди. Чунки ҳарбий хизматдаги бошбошдоқлик, тўс-тўполон, осойишталикнинг издан чиққанлиги, аскарлар орасидаги табақалашув, ҳуллас, тартиб-интизомнинг бўшашиб кетганлиги, маънавий муҳит йўқлиги армияни обрўсизлантириб қўйган эди. Сир эмас, армия хавотир ва таҳликалар майдонига айланган эди. Бугун... Бугун эса мустақил Ватанимизнинг шарафли армияси ҳарбий хизмат ёшидагилар учун очик маънода ҳаёт мактабига айланиб улғурди.

Президентимиз “Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам қафолатидир” китобиди: “Менинг эзгу орзуим шуки, армиямиз халқимиз, миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган асл қиёфаси, азалӣ қадриятлари ва ҳислатларини ўзида муҳасам этсин, унинг сафларида хизмат қиладиган фар-



зандларимиз ўзи тугилиб ўсган, вояга етган, ота-боболарнинг ҳоқиқатан муқаддас заминимизга бир умр садоқатли бўлсин”, дея эзгу тил қилиб билдирган эди. Бугун бу эзгу орзу-ниятларнинг самарасини амалга оширишда қуролли Кучларимизда жорий этилаётган, халқимиз, миллатимизга хос қадриятларга уйғунлашган, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, суверенитетимизни, чегараларимиз дахлсизлигини ва энг муҳими, мустақиллигимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир профессионал армия шаклланганлигида кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, ҳарбий соҳадаги ислохотлар натижаси ўлароқ, мамлакатимиз хавфсизлигини, ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинчлик ва осойишталигини ҳимоя қилишга қодир, кучли тайёр-гарликдан ўтган ва юксак техник воситалар билан жиҳозланган ўз миллий армиямизга эга бўлди. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларга узлуқсиз имтиёзлар, қулайликлар яратилиб, уларнинг ижтимоий ҳимоя тизими мустаҳкамланди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2012 йил 24 октябрдаги Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик

кенгаши ташкил этилганлиги ҳам маъқул соҳада амалга оширилган ислохотлар изчиллигини таъминлашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга моликдир. Қарор ижроси юзасидан Адлия вазирлигининг ҳам буйруғи қабул қилинди.

Айтиш мумкинки, мазкур кенгаш маслаҳат берувчи орган ҳисобланади ва фаолиятини жамоатчилик йўли билан амалга оширади. Жумладан, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасига оид давлат сиёсатининг долзарб масалалари юзасидан жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг мониторингини юритади ва таҳлил қилиб боради. Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший ва хизмат шароитларини яхшилаш, захирага бўшатишга ҳодимларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган давлат дастурларининг бажарилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширади. Бўлима ва ҳарбий қисмларда соғлом маънавий-руҳий муҳит, юксак ахлоқ ва маданият сақланишини таъминлаш мақсадида тарбия-бот-тушултириш ишларини олиб боради, Мудофаа вазирлигининг бу борадаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқади.

Кенгашнинг ижодий уюшмалар, жамағармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, олий ҳарбий таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, фан, маданият ва санъат намоёндаларидан таркиб тоғна кўзда тутилган вазифаларни изчил бажариш имконини беради. Бунинг учун унинг аъзоларига

кенгаш билан берилган. Масалан, улар ҳарбий қисм ва бўлинмаларда бўлиб, шахсий таркибнинг ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинаётгани, ҳарбий қисмда қарор топган ҳуқуқий тартибот ва ҳарбий интизом ҳолати билан бевосита танишиши, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашиб, уларнинг ўй-фикрлари, муаммо ва истакларини ўрганиши мумкин.

Қолаверса, ёшлар орасида соғлом маънавий-руҳий муҳит, юксак ахлоқ ва маданиятни шакллантириш ҳам кенгашнинг асосий вазифалари сирасига киради. Соҳага дахлдор идоралар билан ҳамкорликда чақирувга тайёрланаётган ўспиринларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, ён-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабати ва қатъий ҳаётӣ позицияларини шакллантириш, Ватан тақдири, унинг мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун шахсий масъулиятини қўлайтириш барчамиздан жиддий эътибор ва катта қўи-имкониятларни сафарбар этишни тақозо қилади.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ адлия органларига топириқ хати юборилиб, жойлардаги чақирув комиссиялари билан яқиндан алоқа ўрнатилиб, улар фаолиятига мунтазам

“Обуна — 2014” Муҳтарам юртдошлар!

МАМЛАКАТИМИЗ мустақиллигининг муҳим жиҳати шундаки, истиқлол даврида ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш учун буюк тарихий шарт-шароит ҳамда имконият яратилди. Албатта, бу улуг ҳодиса ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди.

БУНИНГ учун, энг аввало, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришимиз лозим. Жамият раванки асосини ҳуқуқий маданият ташкил этади. Ҳўш, кенг аҳоли қатлами юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга қандай эришиши мумкин? Бу борада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан кенг йўналиш чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айнанча, вазирлигининг қатор ҳуқуқий нашрлари чоп этилмоқда. Улар аҳолининг ҳуқуқ минбарига айланиб бормоқда. Бу нашрлар билан танишиш асосида Сиз энг янги ҳуқуқий ахборотларга эга бўласиз, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва ҳуқуқий аҳамиятини англаб етасиз. Бир сўз билан айтганда, Сиз бевосита ҳуқуқий юксалиш жараёнининг иштирокчисига айланасиз. Барча соҳаларда ўзининг қўиқитириган саволлар юзасидан қонуна асосли жавобларга эга бўласиз. Бу нашрлар Сизнинг ҳуқуқий маслаҳатчингиз ва ҳимоячингизга айланади. Улар нафақат соҳа мутахассисларининг, балки Сиз азиз ўқувчиларнинг ҳам фикр ва ташаббус минбарингизга айланиши мумкин. Вазирлигининг барча нашрлари халқчил ва оммабоп тилда чоп этилаётгани, улар орқали барчага тушунарли тарзда ҳуқуқий тарғибот олиб борилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Қонунни ҳуқуқ ва манфаатларингиз ҳимоясига доир, оддий, содда ва халқчил тилдаги ҳуқуқий-таҳлилий мақолалар, суд-ҳуқуқ тизимидаги энг сўнгги янгиликлар, илмий ва бадиий мақолалар ҳамда ҳуқуқий маслаҳатлар билан мунтазам равишда танишиб боришни хоҳлайсизми? Унда вазирлигининг “Инсон ва қонун” ҳуқуқий газетасига, “**HUQUQ VA BURCH**” ижтимоий-ҳуқуқий журналига, “Адолат” нашриёти томонидан чоп этиладиган “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжат-

лари тўплами” — “Собрание законодательства Республики Узбекистан” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами” — “Сборник международных договоров Республики Узбекистан” расмий нашрларига 2014 йил учун йиллик обуна бўлинг.

Бу нашрларга обуна бўлиш орқали ўз ҳуқуқ ва манфаатларингизни муносиб ҳимоя қилишга ва айни чоғда фаол фуқаролик позициясини ўз минбарингиз орқали намоеён этасиз. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий нашрлари — Сизнинг минбарингиздир!

2014 йил учун обуна бўлишга шошилинг!

Маълумотлар:
“Инсон ва қонун”
Обуна индекси — 137.
e-mail: insonvaqonun@minjust.uz
website: minjust.uz
Тел/факс: 233-84-50

“HUQUQ VA BURCH”
Обуна индекси — 902.
e-mail: info@huquqburch.uz
website: huquqburch.uz
Тел/факс: 233-21-93

“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”
“Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалар тўплами”

Обуна индекси — 949.
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz
website: adolatnashr.uz
Тел/факс: 233-67-65

Адлия ёрдам берди Ҳар бир мурожаат эътиборда

“Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мурожаат қилиш ҳуқуқи ва тартибини, мурожаатлар бўйича давлат органлари раҳбарлари, масъул ходимлари ҳамда мурожаат қилувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, мурожаатларни кўриб чиқиш муддати ва тартибини, бу тартибни бузганлик учун жавобгарлигини белгилайди.

МАЪЛУМКИ, истиқлол йилларида мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш ва иқтисодиётни либераллаштириш жараёнида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Миллий иқтисодиётга салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда улар фаолияти эркинлиги қафолатларини таъминлаш бўйича қонунчилик базаси янада мустаҳкамланди. Амалдаги қонунчилик нормаларининг ижросини таъминлаш юзасидан ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан кенг қўлмал ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, адлия органлари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний мафатларини янада самарали ҳимоя қилиш бўйича кенг қўлмал ҳуқуқий ва ташкилий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Масалан, Тошкент шаҳар адлия бошқармасига “З-Автобус саройи” очик акциядорлик жамияти раҳбари А.Жўраев “Дўстлик пахта тозалаш” очик акциядорлик жамияти билан тузилган шартнома шартлари бажарилмаётганидан норози бўлиб мурожаат қилган.

Ўрганиш натижасида “З-Автобус саройи” очик акциядорлик жамия-

яти манфаатини кўзлаб, Тошкент шаҳар ҳўжалик судига даъво ариза киритилди ва ҳўжалик суди томонидан кўриб чиқилиб, “З-Автобус саройи” очик акциядорлик жамияти ҳисобига 146.951.776 сўм қарз ундириш белгиланди.

Тошкент вилояти адлия бошқармасига Тошкент шаҳридаги “Art-Press Ko Ltd” масъулияти чекланган жамиятининг ҳисоб рақамига жами 40.000.000 сўм қарздорлик маблағлари тўлаб берилди.

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири муҳасам. Шу жиҳатдан ҳам адлия органлари томонидан мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш, қонуний қарорлар қабул қилишда ана шу жиҳатларга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Тоҳир САИДБОБОВ,
Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати раҳбари

Ўқув-машғулот Ўзбекистонда шахматга эътибор янада кучаймоқда

ШАХМАТ ўйини ташкил этилганидан буён неча асрлар ўтди. Аммо бу ўйин эскирмади, аксинча, у битмас-туганмас сир-асрори, сехру жозибаси, нашъу намоси билан одамзодга хизмат қилиб келмоқда.

ДАРҲАҚИҚАТ, шахматнинг катта маънавий-тарбиявий аҳамияти бор. Бежиз уни ақл гимнастикаси, дейишмайди. Чунки у ирода-бир кесилга, хато қилмасликка, мустақил фикрлашга, вақтдан фойдаланишга, ички интизомга ва интуицияни ривожлантиришга ўргатади. Булар ҳар бир инсоннинг ҳаёт йўлида асқотадиган жуда муҳим фазилатлардир.

— Шахмат бу тарбия. У инсондаги курашувчанлик қобилиятини, ақлий имкониятлар рўйини юзага чиқаради. Ўзбекистонда шахмат соҳасининг янада юксалиши борасида жуда катта ишлар қилинмоқда. Бу эса бугун ҳам эртага ҳам ўз мевасини беришига ишонамиз, — дейди Адлия вазирлигида ўтказиб келинаётган навбатдаги ўқув-машғулот меҳмонлари Ўзбекистон Шахмат Федерацияси ижрочи директори Махмуд Ғуломов.

Тадбирда “Узтелерадиокомпания” спорт шарҳловчиси, спорт устаси, ФИДЕ орбитри Ақром Тўшхўжаев ҳамда шахмат бўйича Осиё ўйинлари совриндори, хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистондаги биринчи гротсмейстер Нафиса Мўминова иштирок этди.

Қизгин тарзда ўтган мазкур машғулот йиғилганларни шахмат тарихи ва бугуни билан яна бир бор яқиндан таништирди. Тадбир сўнггида иштирокчиларга Адлия вазирлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Миллий армиямиз — ғуруримиз, фахримиз

ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИГИМИЗНИНГ
ИШОНЧЛИ ПОСБОНИ

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

амалий ёрдам бериб бориш ва муддатли ҳарбий хизматга қабириладиган фуқароларни йиғиш, ҳарбий қисмларга тантанали кузатиш, Қуролли Кучлар резервга хизматдан бўшатиш ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларида тантанали кутиб олиш бўйича ўтказиладиган тадбирларни мувофиқлаштириш ҳамда тантаналарнинг юқори савияда ўтишини таъминлашда амалий ёрдам қўлатиш вазифалари юклатилди.


Хозирда бу борада бир қатор тадбирлар амалга оширилди ва шу билан бирга муайян ишлар давом эттирилмоқда.

Масалан, ишчи ғуруҳ томонидан жорий йилнинг 20-30 январь кунлари Жиззах вилояти йиғин, туман (шаҳар) чакрив пунктларининг моддий-техник базаси ва жиҳозланиш ҳолати ўрганилди ҳамда аниқланган камчиликлар юзасидан тақлиф ва тавсиялар берилди.

Шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда муддатли ҳарбий хизматга қабириладиган фуқаролар ўртасида юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, амалга оширилаётган ислохотлар, шу жумладан, улар онгига ҳарбий соҳага оид ҳуқуқий-меъриий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини сингдириш мақсадида жорий йилда бир қатор ҳарбий қисмларда тарғибот тадбирлари ўтказилиб, йиғилишларда "Диний экстремизм нима?", "Ҳижоаб", деб номланган фильмлар намойиш этилди.

Жойлардаги идоралар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда муддатли ҳарбий хизматга қабирилган, сафарбарлик чакриву резервидаги хизматга қабул қилинган, муддатли ва сафарбарлик чакриву резервидаги хизматни ўтаб, Қуролли Кучлар резервга бўшатиш ҳарбий хизматчилар ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ҳақида тушунтириш ишлари доимий равишда олиб борилмақда.

Биргина, Жиззах вилоя-



тида фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш ва ҳарбий хизматдан кутиб олиш тантаналарида чакривуларнинг 900 нафардан ортиқ ота-оналари, 80 нафардан ортиқ маҳалла фаоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этишди. Шунингдек, Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" ёхуд "Шўроларнинг сўнги талвасаси" фильми Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоят чакриву йиғув пунктларида чакривуларга намойиш этилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2012 йил 14 ноябрдаги "Ватан ҳимоячилари кўни байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида"ги Фармойишида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, бу борада юртимизнинг барча ҳудудларида Ватан ҳимоячилари кўни тадбирлари тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмиталар тузилиб, режалар асосда қатор самарали тадбирлар ўтказилди.

Фахр билан эътироф этиш лозимки, бугун ўзбек аскарлари буюк аждодларига муносиб, юракда шижоат, қалбда аниқ мақсад ва чексиз эътиқод билан она Ватанга хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, шубҳасиз, тақдирини

юрт ҳимояси билан боғланган асл ўғлонлар Юртобимизнинг меҳрини, эътиборини, халқ ишончини ва шарафли масъулиятларини чуқур ҳис қилиб, хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучларимиз Олий Бой Кўмондони Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганнинг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида барчамиз, айниқса, ёшлар учун бугунги ва эртанги фаровон ҳаётга гаров бўладиган муҳим вазифаларни аниқ белгилла берди.

Хусусан, Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган ёшларда қатъий ирода ва характер, ҳаётий позицияни шакллантириш, уларнинг юксак инсоний фазилатлар соҳиб ва жисмоний чиниққан бўлишларига эришиш, ўз билим ва малакасини тақомиллаштириш, фан-техника янгиликларини эгаллаш, мамлакатимизда ҳавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни ҳимоя қилиш борасидаги ўзининг ҳарбий бурчини сидқидилдан адо этиш учун интилиб яшашга хизмат қиладиган муҳитни мустаҳкамлаш каби долзарб вазифалар илгари сурилган. Қолаверса, бу устувор вазифаларни амалга ошириш нафақат Жамоатчилик кенгаши, балки кенг жамоатчилик фаолиятининг асосий мезони бўлмоғи зарур.

Кўкор ТОҒАЕВ,
Адлия вазирининг ўринбосари,
Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши аъзоси

МАЪЛУМКИ, сўнги йилларда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва норма ижодкорлиги соҳасида қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилиши устидан самарали назорат қилиш бўйича адлия органларининг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса соҳа ходимларига ўзига хос масъулият юклайди.

ЮҚОРИДАГИЛАРДАН келиб чиқиб, Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, бунинг самараси ўларок, аҳолининг адлия органларига бўлган ишончи ортиб бормоқда. Айниқса, ҳуқуқ ижодкорлигини янада тақомиллаштиришга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида талабчанлик ва синчковликни янада оширишга асосий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан 86 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси келиб тушган бўлиб, уларнинг 75 таси белгиланган талабларга жавоб бергани учун ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган. 42 тасига расмий розилик берилган бўлса, уларнинг 35

Қонун доирасида

Тақдимнома киритилди

ва икки нафар шахс лавозимидан озод этилди

таси эътирозлар билан қайтарилган ва қайта ишлангандан сўнг розилик билдирилган. 11 та қарор лойиҳаси қонунчилик талабларига риоя қилинмай тақдим этилгани сабабли қайтарилган. 22 та қарор давлат рўйхатига олинб, расмий нашрларда эълон қилинишига эришилган.

Ўтган йил якунида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги "Қонун ҳужжатларини туркумлашни тақомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан вилоятдаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўрсатмалар киритилган. Яқинда кўрсатмалар ижроси ўрганилиб, бу жараён аниқланган хато ва камчи-

ликларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритилди. Натижада, Бўстонлик тумани ҳокимлигининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассиси Ш.Шораҳмедов ва Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлигининг ташкилий-назорат ғуруҳи етакчи мутахассиси С.Эралиев лавозимидан озод этилган бўлса, Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлигининг бош ҳисобчиси М.Умрзакова ва Ангрен шаҳар ҳокимлигининг ташкилий-назорат ғуруҳи 1-тоифали мутахассиси Ф.Зулпикарова нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Маълумки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилишда "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунга қатъий амал қилиниши лозим. Шу маънода ушбу Қонун

талабларидан келиб чиқиб, йўл қўйилган қонунбузилишларни бартараф этиш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига 30 та тақдимнома киритилган. Буларга асосан ушбу органларнинг 26 та қарори бекор қилиниб, ижроси тўхтатилган, 2 нафар масъул ходим лавозимидан озод этилиб, 2 нафари интизомий жавобгарликка тортилган.

Яқинда "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Эндиги вазифамиз унинг мазмун-моҳияти, асосий вазифаларини тушунтириш ва унинг талабларига қатъий риоя этилишига эришишдир.

Фахриддин ҚўЛДОШЕВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Савол-жавоб

Далолатнома ёзувлари

қачон бекор қилинади

— Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини қаерда тиклаш мумкин?

Хамза ЭРДОШЕВ,
Навоний вилояти

— Оила кодексининг 232-моддасига асосан фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари ариза берувчининг доимий яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида тикланади. Бунда 16 ёшга тулган фуқаронинг шахсий аризасига кўра амалга оширилади, тиклаш учун асос бўлган барча ҳолатлар ФХДЭ органи томонидан аниқлангандан кейингина амалга оширилади, ариза 15 кун ичида кўриб чиқиши зарур.

— Тикланган далолатнома ёзувлари қачон бекор қилиниши мумкин?

Миржалол РАСУЛОВ,
Навоний шаҳри

— Оила кодексининг 233-моддасида белгиланган бўлиб, "Агар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи икки ва ундан ортиқ бир хил ёзувлар борлигини аниқласа, тикланган ёзувлар ўша ёзув тузилган жойдаги ФХДЭ органида бекор қилиниши мумкин".

Топилган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларида фамилия, исм, ота исмида, туғилган санаси, ота-она тўғрисидаги маълумотларда жиддий фарқ бўлса, тикланган далолатнома ёзувлари суднинг ҳал қилув қарори билан бекор қилинади.

Саволларга Навоний шаҳар ФХДЭ бўлими мудири Манзура ҚўЛДОШЕВА,
жавоб берди.

ЖАҲОН иқтисодиётида ҳали ҳамон молиявий инқироз кузатилаётган бир пайтда мамлакатимизда иқтисодий соҳани барқарор суръатлар билан ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасининг юксалиши изчил таъминланмоқда. Мазкур ижобий натижаларга эришишда ҳеч шубҳасиз, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг салмоғи катта.

"МАҲАЛЛИЙ давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунга кўра, ҳокимликларнинг асосий вазифаларидан бири ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий соҳани тартибга солиш ва ривожлантиришдан иборат бўлиб, уларнинг бу соҳада олиб бораётган фаолиятлари натижасида ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатлари ошиб, аҳолининг турмуш даражаси тобора кўтарилимоқда.

Хусусан, ўтган 2012 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга, экспорт ҳажми 11,6 фоизга ошди. Шу билан бирга, аҳоли даромадларининг миқдори 17,5 фоизга ўсиб, энг кам иш ҳақи 26,5 фоизга ошди. Умуман олганда, 2000 йил билан таққослаганда, реал даромад аҳоли жон бошига 8,6 баробар кўпайди. Ҳисоб-китобларга кўра, иш ҳақи истеъмол саватчаси баҳосидан 4 баробардан зиёд ошган.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудлардаги аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва иш билан таъминлаш, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, таълим тизимини ривожлантиришда ҳам ушбу соҳага алоқадор идоралар билан бир қаторда муҳим вазифаларни амалга оширади.

Хусусан, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунга асосан маҳаллий ҳокимият органларига аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалга ошириш, бу борада норматив ҳужжатлар қабул қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан ҳудудий тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби бир қатор вазифалар белгиланган.

Шунингдек, "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонунга кўра, маҳаллий

ҳокимият органлари соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бажарилиши-

Жараён

Фаровонлик бекати

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли



ни таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг бошқарув органларини шакллантириш, унинг муассасалари тармоғини ривожлантириш, бирламчи тиббий-санитария ва тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш, тасарруфдаги ҳудудда фуқароларни дори-дармонлар ва тиббий маҳсулотлари билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш харажатларини молиявий таъминлашнинг ўз манбаларини шакллантириш, ногиронлар ва тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар

ган Легатум институти ўзининг фаровонлик ва ривожланиш индексига Ўзбекистонни дунё мамлакатлари орасида ҳақли равишда 64-ўринга киритганида ҳам кўришимиз мумкин.

Зоир КАМОЛОВ,
Адлия вазирлиги
Қонунчиликка риоя
этилиши устидан
назорат қилиш
бош бошқармаси
бўлими бошлиғи

Жой номлари географик объектга хосми?

Ангрен шаҳрида "Межевая" кўчаси, Оҳангарон туманида "Подхоз" посёлкаси, "Больничная", "Маркс", "Насосная", деб аталган кўчалар номлари хали ҳам сақланиб қолган

Қонун ва ижро



лар жамланган. Бу реестрга фақат расмий номлар киритилади.

Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ географик объектларнинг номлари, йўл белгилари, пешлавлар ва бошқа кўрсаткичлардаги ёзувлар давлат тилида ёзилади. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз ҳудудида жойлашган географик объектлар номларининг йўл белгиларидаги, пешлавлар ва бошқа кўрсаткичлардаги ёзувлари давлат тилида ифода этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрда қабул қилган "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори асосида "Ерғодез-кадастр" давлат қўмитаси ҳузурида Республика топонимика хизмати ташкил этилган ушбу йўналишдаги ишларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этаётди. Айни пайтда мазкур тузилма географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича тақлифларни давлат экспертизасидан ўтказиш, географик объектлар номлари давлат реестрини яратиш ва юритиш, географик объектларнинг номларини давлат рўйхати-

дан ўтказиш, топонимик ва бошқа илмий тадқиқот ишларини бажариш, географик объектларнинг номларини нормаллаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, географик объектларнинг номлари каталоглари ҳамда маълумотномаларини ишлаб чиқиш каби вазифаларни бажармоқда.

Хозир аҳоли пунктлари, шохқўчалар, кўчалар, майдон ва боғларнинг номлари инвентаризациядан ўтказилмоқда. Натижада, топографик карталарда, статистик ҳисоботларда жойлардаги ҳокимият органларининг қайдномаларида акс этмаган қўлаб географик объектлар номларини қайд қилиш, нормаллаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари давом этмоқда.

Хар бир жой ўзига хос, тақдорланмас номлар билан аталапти. Жумладан, Тошкент шаҳрида кейинги йилларда қонун талабларига жавоб бермайдиган ёки турли шахслар исм-фамилияси билан аталган уч юзга яқин жой аниқланиб, уларга тарихимиз, турмуш тарзимизга мос янги номлар берилди.

"Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасида вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, қишлоқлар ва овуллар бир хил ном билан аталishi тақиқланган. Шу талабдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат ста-

тистика қўмитаси томонидан таҳлил ўтказилганда, 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, 53 шаҳарча, 84 қишлоқ фуқаролар йиғини ва мингдан ортиқ қишлоқ аҳоли пунктлари номлари айнан бир хил номга эга бўлганлиги аниқланди. Хозир ушбу таҳлиллар асосида, жойлардаги аҳолининг, оқсоқолларнинг фикр-мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда, бундай такрорий номларни ўзгартириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

Айтиш жоизки, соҳага оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Бекобод шаҳрида "Севишганлар" майдони, Ангрен шаҳрида "Межевая" кўчаси, Оҳангарон туманида "Подхоз" посёлкаси, "Больничная", "Маркс", "Насосная", деб аталган кўчалар номлари хали ҳам сақланиб қолган. Тегишли ташкилотлар уларга ўзгартириш киритиш тўғрисида хали ҳам тақлиф киритмаган. Ўрганишлар давомида учраётган бу каби камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар қўрилмоқда.

Одамлар ҳар қуни ишлатадиган, тарихий ҳужжатлари онгга муҳрланадиган топонимларга эътиборсиз қараб бўлмайди. Зеро, жой номлари ўзлигимизни ифода этади. Ёшларимиз қалбда она юртва муҳаббат, тарихимиз ва миллий қадриятларимизга эҳтиром туйғуларини камол топтиради, уларнинг дунёқараши ва маънавий олами-ни шакллантиришга хизмат қилади.

Азизжон ХўЖАБОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
"Ерғодезкадастр" давлат
қўмитаси Республика топонимика
хизмати бошлиғи,
(ЎЗА)

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислам Каримов раҳнамоллигида мамлакатимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, бой тарихий меросимизни чуқур ўрганиш, анъана ва қадриятларимизни сақлаш ҳамда янада бойитиш борасида кенг қўлама ишлар амалга оширилмоқда. Ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи акс этиб турган миллий атамаларимиз қайта тикланмоқда.

ДАВЛАТИМИЗ раҳбарининг ташаббуси билан 2011 йил 12 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонуни бунда муҳим дастуриламал бўлаётди. Қонунга мувофиқ номлар географик объектга хос бўлган белгиларни акс эттириши, мазкур объект жойлашган ердаги географик объектлар номларининг мавжуд тизимига мос тушиши, маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиш, қоида тартиқасида, қўпи билан учта сўздан иборат бўлиши зарур.

Кўчалар, шохқўчалар, маҳаллалар, майдонлар, боғларга ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига айрим одамлар, жамоат арбоблари, сиёсий арбоблар исм-фамилиясини беришга йўл қўйилмайдиган. Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар бундан мустасно, албатта.

Мазкур Қонун асосида мамлакатимизда географик объектлар номларининг Давлат реестри яратилмоқда. Давлат тилида, лотин ва кирилл ёзувларида жамланётган ушбу базада мамлакатимиз ҳудудида жойлашган географик объектларнинг номлари, шунингдек, хорижий мамлакатлар ҳудудларида жойлашган географик объектларнинг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган номлари тўғрисидаги маълумот-

Тизим тадбири Маҳалла ва маънавий муҳит

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ илк кунларидан бошлаб "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун", деган тамойил асосида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида олиб борилган амалий ишлар эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлди.

МАЪЛУМКИ, кучли жамият давлатнинг келажадаги равнақи кафолатидир. Жамиятни мустаҳкамлашда жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимизда жорий йилнинг апрель ойида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши уларнинг ҳуқуқий мақоми мукаммаллаштирди. Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга ошириш, жойлардаги тadbirkorлик муҳитини ривожлантириш борасида қўшимча ваколатлар берилди.

Самарқанд вилояти маҳаллаларида бўлиб ўтган давра суҳбатларида маҳаллаларда камол топаётган ёш авлод, хусусан, вояга етмаганларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини ошириш, умумтаълим мактаби битирувчиларини ўрта-махсус таълими муассасаларига жалб этишда тегишли органларга яқиндан қўмаклашиш, маънавий муҳитни соғломлаштиришга маҳалланинг ҳар бир аъзоси ўз ҳиссасини қўшиши каби масалаларда масъулият билан ёндашиш лозимлиги таъкидланди.

Аълам АКОБИРОВ,
Самарқанд вилояти адлия
бошқармаси масъул ходими

Адлия аралашгач... Фирромликми, ёки?.. Фермер хўжалигига нисбатан қўлланилган қонунбузарликнинг олди олинди

ЧИМБОЙ ТУМАНИДАГИ "Қизил узак" ҚФЙ ҳудудда фаолият юритувчи "Баҳодир" фермер хўжалиги раҳбари Б.Юсуповнинг "Ўзагросуғурта" ДАСК Чимбой тумани бўлими томонидан тарафлар ўртасида тузилган суғурта шартномаси мажбурийлари бажарилмаганлиги, яъни тўлиниши лозим бўлган суғурта пулларининг тўланиб қолгани юзасидан норози бўлиб ёзган аризаси Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўрганиб чиқилди.

ФЕРМЕР хўжалиги 2012 йил бўлғуси бошоқли дон экинидан кам ҳосил олиши натижасида қўриладиган молиявий зарарни суғурталаш учун "Ўзагросуғурта" ДАСК Чимбой тумани бўлими билан 2012 йил 19 февралда шартнома тузган ва унга асосан 170.520 сўм суғурта мукофоти тўлаган. Бўлим томонидан эса унга 0026188-сонли суғурта полиси берилган.

Фермер хўжалиги раҳбари Б.Юсупов кузги бошоқли дон ҳосили нобуд бўлганлиги тўғрисида 2012 йил 10 июль кuni "Ўзагросуғурта" ДАСК Чимбой тумани бўлимига ёзма равишда хабарнома берган. Лекин бўлим ушбу хабарномани белгиланган тартибда қўриб чиқмаган. Яъни, фермер хўжалиги нобуд бўлган кузги бошоқли дон ҳосили учун суғурта ташкилотидан суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат қилганда ташкилот вакиллари тегишли хуж-

жатлар тўлиқ эмаслигини айтиб, суғурта пули тўланмаслигини билдирган. Ваҳоланки, ушбу хужжатлар суғурта ташкилотининг айби билан ўз вақтида ишланмай қолганлиги аниқланди.

Ушбу қонунбузилиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан "Баҳодир" фермер хўжалигига суғурта шартномасига асосан тўлиниши лозим бўлган 1.705.200 сўм суғурта пуллари тўлаб берилиши лозимлиги тўғрисида "Ўзагросуғурта" ДАСК Қорақалпоғистон Республикаси дирекциясига тақдимнома киритилди.

Унга асосан фермер хўжалигига суғурта пули тўлиқ бўлганда ва камчиликка йўл қўйган шахслар интизомий жавобгарликка тортилди.

Замир ХОЖАХМЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Адлия вазирлиги масъул ходими



Эрта турмуш умр заволи



МАМЛАКАТИМИЗДА оила қуриш ажойиб анъана ҳисобланмиш никоҳ маросимидан бошланади. Бироқ айрим ота-оналар бу удуьмни бузиб, фарзандларини никоҳ ёшига етмасиданоқ, ФХД бўлимига маълум қилмасдан, шаръий никоҳ ўқитиб, қонунга хилоф иш тутмоқда. Бунинг қонун олдида жавобгарлиги борлигини эса, тўғри унутиб қўймоқда.

ЎТКАЗИЛГАН қузатишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, бизнинг туманимизда ҳам айрим ёшларнинг эрта турмуш қуриш ҳолатлари учрамоқда.

Бунинг олдини олиш учун эса кенг жамоатчилик томонидан таълим муассасалари ва маҳаллаларда аҳолига оила муқаддас гўша эканлигини аниқлаштириш, соғлом авлоднинг тарбиясини олиш бўлимига маълум қилмасдан, шаръий никоҳ ўқитиб, қонунга хилоф иш тутмоқда. Бунинг қонун олдида жавобгарлиги борлигини эса, тўғри унутиб қўймоқда.

қизлар ўртасида балоғатга етмасдан турмуш қуришининг зарарли оқибатлари ҳақида тушунчалар бериш зарур. Шу ўринда, юқоридаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўлимига маълум қилмасдан, шаръий никоҳ ўқитиб, қонунга хилоф иш тутмоқда. Бунинг қонун олдида жавобгарлиги борлигини эса, тўғри унутиб қўймоқда.

қизлар ўртасида балоғатга етмасдан турмуш қуришининг зарарли оқибатлари ҳақида тушунчалар бериш зарур. Шу ўринда, юқоридаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўлимига маълум қилмасдан, шаръий никоҳ ўқитиб, қонунга хилоф иш тутмоқда. Бунинг қонун олдида жавобгарлиги борлигини эса, тўғри унутиб қўймоқда.

Репродуктив саломатлик

Тиббий кўрик

соғлом оила пойдевори

МАЪЛУМКИ, Президентимизнинг "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган. Мазкур Қарордан келиб чиқиб, Чирчиқ шаҳар ФХД бўлими, шаҳар Соғлиқни сақлаш бўлими, маънавият ва маърифат маркази, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда аҳолининг тиббий маданиятини

ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни дунёга келтириш ва шакллантириш бўйича давра суҳбатлари, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида тушунтиришлар берилмоқда.

Тиббий кўрик мақсади — соғлом оилани шакллантиришдан иборат.

Сир эмаски, Чирчиқ шаҳрида ҳам никоҳ ёшига етмасдан она бўлаётган қизларимиз йўқ эмас.

лантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорларни муҳим аҳамиятга эга ҳужжат ҳисобланади.

2013-2014 ўқув йилида академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқитилаётган қизлар орасида эрта турмушга чиқиш ва сабабсиз дарс машғулотларига қатнашмаслик ҳолларининг олдини олиш мақсадида ота-оналар ўртасида "Соғлом авлод — соғлом келах" "Балоғат даври" мавзуларида учрашувлар ташкил этиш, балоғат ёшига етмасдан турмуш қуришининг салбий оқибатлари хусусида фикр алмашиш, тарғибот-ташвиқот ишларини янада яхши йўлга қўйиш, жисмонан ва маънан баркамол авлодни шакллантириш борасида қабул қилинган чора-тадбирлар асосида учрашувлар ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Жумладан, ҳокимликлар, прокуратура органлари, ички ишлар бошқармалари, хотин-қизлар кўмитаси ва унинг жойлардаги маслаҳатчилари, туман ФХД бўлими, "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармалари раислари, Кишлоқ фуқаролар йиғинлари, "Қамолот" ЕИХ масъуллари томонидан бу борада олиб борилаётган тадбирлар эса ўз самарасини бермоқда.

Наргиза АБДУЛЛАЕВА,
Сурхондарё вилояти адлия
бошқармаси масъул ходими

Шуни ҳисобга олган ҳолда касб-хунар коллежлари, ўқув муассасалари, лицейларда юқорида айтиб ўтилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда тузилган "Ёш оила қурувчилар" мактаби машғулотлари олиб борилади ва бунда "Ўзбекистон Республикаси Оила қонунчилигининг ёш оилаларни ҳуқуқий ҳимоя қилишдаги аҳамияти", "Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари", "Тиббий маданият — соғлом авлод гарови" ва бошқа мавзулар доимий ёритиб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолининг репродуктив саломатлиги мустаҳкам бўлишига, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказишга фақат давлат эмас, балки жамиятнинг барча аъзолари, оила, ота-оналар ҳам масъуллигини унутмайлик.

Флора НАБЕРАЕВА,
Чирчиқ шаҳар ФХД
бўлими мудири

Ўқидингизми? Журналнинг янги сони

муҳлислар эътиборида



"ДЕМОКРАТИЗАЦИЯ ИЛИ МОРФИЙ ЖУРНАЛ" илмий-матрифей журналнинг 2013 йилги 2-сон муҳлислар эътиборига ҳавола қилинди.

ИНСОН ҳуқуқ ва манфатлари ҳимоясига бағишланган бир қатор таҳлилий мақолалар журналнинг ўзбек, инглиз, рус тилидаги вариантларидан ўрин олган.

Ўзбек тилидаги вариантда **Х.Кенжаеванин** "Жамиятнинг модернизациялаш жараёнида аёлларнинг иқтимоий фаоллиги", **А.Тиллабоевнинг** "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим омил", **А.Тўхтабоевнинг** "Ёшлар тафаккурини шакллантиришда таълим тарбиянинг ўрни" номли мақолалари билан танишасиз.

Журналнинг инглиз тилидаги вариантда **А.Саидовнинг** "Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши барқарор ривожланиш ва тараққиёт омил", **О.Суреевнинг** "Атроф-муҳит ва инсон ҳуқуқлари", рус тилидаги вариантда эса **Х.Нурматованин** "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси нормаларининг Конституциясига имплементация қилиниши", **Л.Саидованин** "Депутатларнинг сайловчилар билан олиб борадиган фаолиятининг такомиллашувида доир долзарб масалалар ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очилишнинг таъминлаш" сарлаҳали мақолалари муштарийларни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

"Бошлар фаровонлиги бўйича давлат сиёсати — амалда" номли мақолада БМТ Бош Ассамблеяси 67-сессиясининг расмий ҳужжати билан журналнинг ўзбек, инглиз ва рус тилидаги вариантларида танишиш имконига эга бўласиз. Шунингдек, ушбу сонда бошқа яна бир қатор қизиқарли мақолалар ўрин олган.

Дилфуза ЭРҒАШЕВА,
"Инсон ва қонун"
муҳбири

Хўжалик суди амалиётидан Белгиланган тартибда ўндирилган солиқлар ҳамда мажбурий тўловлар қайтарилмайди

Савдо фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар ягона солиқ ва ягона ижтимоий тўловни тўлаши шарт бўлиб, улардан белгиланган тартибда ва ставкаларда ўндирилган солиқлар ҳамда мажбурий тўловлар қайтарилмайди

ИШНИНГ МАЗМУНИ

Шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан ногиронлар жамиятига қарашли шўъба корхонасидан 2010-2011 йиллар учун 25 фоизлик ягона ижтимоий тўлов ҳамда 10 фоизлик ягона солиқ бўйича жами 2,0 миллион сўм миқдорда солиқлар ва мажбурий тўловлар ўндириб олинган.

Бундан норози бўлган ногиронлар жамияти вилоят бўлими шўъба корхонасининг манфаатида ҳужжат судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, шўъба корхонаси ногиронлар жамияти вилоят бўлими қоидада ташкил этилганлигини, унинг асосий фаолияти турли сабзавотлардан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни ўрандаларга сотишдан иборат эканлигини, жами 4 нафар ишчидан 2 нафари ногиронлигини, шу боис шўъба корхонаси Солиқ кодексининг 358-моддасида қайд этилган имтиёзларга эга эканлигини баён этиб, шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан солиқлар ва мажбурий тўловлар асосиз ўндирилган, деб ҳисоблаб, ундан 2,0 миллион сўмни шўъба корхонасига қайтариб ўндирилиш сўраган.

ДАВЛАТНИНГ ВАЖЛАРИ

Ногиронлар жамияти вилоят бўлими шўъба корхонаси вакили суд мажлисида сабабсиз келмаган. Даво аризасида шаҳар давлат солиқ инспекциясидан шўъба корхонаси фойдасига ягона солиқ ва ягона ижтимоий тўлов бўйича 2,0 миллион сўм ўндириб сўралган.

ЖАВОБГАРНИНГ ВАЖЛАРИ

Шаҳар давлат солиқ инспекцияси вакили суд мажлисида даъво талабини тан олмасдан, солиқга оид амалдаги қонун ҳужжатларига қўра, ягона солиқ ва ягона ижтимоий тўлов бўйича ногиронлар жамиятига қарашли шўъба корхонасига имтиёзлар назарда тутилмаганлигини қайд этиб, даъвоси қаноатлантиришни рад этишни суддан сўраган.

УЧИНЧИ ШАХС ФИКР БЕРМАГАН

Мазкур ишда учинчи шахс сифатида иштирок этишга жалб этилган вилоят молия бошқармаси вакили ҳам суд мажлисида сабабсиз қатнашмаган, даъво аризаси юзасидан ўзининг ёзма фикрини судга юбормаган.

СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Ногиронлар жамияти вилоят бўлимининг шўъба корхонаси манфаатида шаҳар давлат солиқ инспекциясидан шўъба корхонаси фойдасига ягона солиқ ва ягона ижтимоий тўлов бўйича 2,0 миллион сўм ўндириб тўғрисида берган даъвосини қаноатлантириш рад этилган.

СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИГА ШАРҲ
Ўзбекистон Республикаси ҳудудда Солиқ кодексида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қилади. Давлат солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ёрдамида мамлакатимизнинг муҳофаза қилиниши, фуқароларнинг ҳафсизлигини таъминлайди, иқтисод, маориф, фан, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиради, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича мақсадга йўналтирилган комплекс ижтимоий дастурларни, жамият манфаати йўлидаги бошқа фаолиятни амалга оширади.

Солиқ солиш солиқ мажбурийлари юзасига келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Юридик шахслар солиқ тўловчи сифатида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни Солиқ кодексида белгиланган тартибда ва муддатларда тўлаши шарт. Солиқ кодексининг 30-моддасига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар Солиқ кодекси, бошқа қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан берилиши мумкин. Мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёزلарни бериш Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Ягона солиқ тўлови бўйича имтиёз Солиқ кодексининг 358-моддасида назарда тутилган. Унга қўра, ягона солиқ тўловини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бirlашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернотилилари" ассоциацияси муклида бўлган, ишловчилар умумий сонининг камда 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этадиган юридик шахслар овоз қилинади, аммо бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти ҳамда лотереялар ташкил этиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустаснодир. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ҳодимларнинг умумий сонига шартда бўлган ҳодимлар киритилади.

Президентимизнинг 1999 йил 26 июлдаги "Давлат бюджетига солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар беришни тартибга солиш тўғрисида"ги Фармонининг 1-бандига мувофиқ хайрия ҳамда бошқа жамғармалар ва жамиятларга, шунингдек, улар томонидан ташкил қилинган корхоналар ва бошқа шўъба ташкилотларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар 1999 йилнинг 1 сентябидан бошлаб улар амалга оширадиган нотижкор фаолиятигагина жорий этилиши белгиланган бўлиб қўйилган.

Мазкур Фармон айнан солиқ имтиёзлари аниқ берилишини таъминлашга, барча ҳужжатли юритувчи субъектлар томонидан бюджетнинг даромад базасини шакллантиришнинг ягона тамойилларини белгилашга қаратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги 502-сонли қарори билан тасдиқланган "Хайрия ҳамда бошқа жамғармалар ва жа-

миятларга, шунингдек, улар томонидан ташкил қилинган корхоналар ва бошқа шўъба ташкилотларига солиқлар, йиғимлар ҳамда божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзларнинг қўлланиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 3.2-бандига мувофиқ қўйиладиган солиқлар ва йиғимлар ўндирилмайди:

а) қўйидаги:

— таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тadbirkorлик фаолиятининг даромад олиниши қўламайдиган ижтимоий-хайрия мақсадлари ва бошқа мақсадлар учун ташкил этилган нотижкор ташкилотлардан;

— мажбури ташкилотнинг ҳодимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатларига қаратилмаган молиявий ва бошқа маблағларни тақсимловчи ва инвестицияловчи нотижкор ташкилотлардан (қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат учун тақдирлашдан ташқари);

б) устанда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун нотижкор ташкилотлар томонидан олинган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳоимийлик бадаллари ва бошқа ажратмаларидан.

Мазкур Низомнинг 6-бандига нотижкор ташкилотлар ҳамда улар томонидан ташкил этилган корхоналар ва бошқа ташкилотлар томонидан тadbirkorлик фаолияти амалга оширилган тақдирда, уларга нисбатан Солиқ, Божхона кодексларида ва "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонунда назарда тутилган солиқлар, йиғимлар ва божхона тўловлари ўндириб тартиб-таътиб этилиши назарда тутилган.

Гарчанд, шўъба корхонаси ногиронлар жамияти қоидада ташкил этилган ва ишловчилар умумий сони камда 50 фоизи ногиронлардан иборат бўлса-да, унинг асосий фаолияти турли сабзавотлардан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни ўрандаларга сотишдан, яъни фойда (даромад) олишдан иборат бўлган. Бу эса шўъба корхонасининг тижорат, тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланиб келганини кўрсатади. Шу сабабли, шўъба корхонасига ягона солиқ тўловини тўлаш борасида ногиронларнинг жамоат бирлашмалари учун Солиқ кодексининг 358-моддасида назарда тутилган имтиёзни қўллаб бўлмайди.

Ягона ижтимоий тўлов бўйича имтиёзлар эса Солиқ кодексининг 308-моддасида белгиланган бўлиб, унда ногиронлар жамияти қоидада ташкил этилган шўъба корхоналарининг савдо фаолиятдан тушган пул маблағларига бундай тўловлар ҳисобланмаслиги назарда тутилмаган. Демак, ушбу ҳолатда ҳам шўъба корхонасига ягона ижтимоий тўловни тўлашда ногиронларнинг жамоат бирлашмалари Солиқ кодексининг 358-моддасида назарда тутилган имтиёзни қўллаш учун биронта асос мавжуд эмас.

Ногиронлар жамияти қоидада ташкил этилган шўъба корхонаси Солиқ кодексининг 350-моддасига мувофиқ ягона солиқ тўловини, 305-моддасига мувофиқ ягона ижтимоий тўловни тўловчи ҳисобланади.

Қайд этилганларга қўра, шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан шўъба корхонасидан унинг ўзи тақдим этган солиқ ҳисоботлари асосида 2010-2011 йиллар мобайнида бюджетга тўланмасдан келинган 2,0 миллион сўм солиқлар ва мажбурий тўловлар сўзсиз равишда ўндириб олинган.

Биринчи инстанция суди ногиронлар жамияти вилоят бўлимининг шўъба корхонаси манфаатида берган даъво аризасидаги вақтларга ҳамда шаҳар давлат солиқ инспекцияси вакилининг вақтларига ҳуқуқий баҳо бериб, ягона солиқ ва ягона ижтимоий тўлов бўйича имтиёзлар шўъба корхонасига нисбатан тартиб-таътиб олиниши ҳамда у савдо фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс эканлигини инобатга олиб, даъво талабини асосиз, деб ҳисоблаб, уни қаноатлантиришни рад этган.

Суд Солиқ кодекси 69-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ давлат солиқ хизмати органи бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушувлар ҳисобини юритиши муносабати билан солиқ тўловчи томонидан асосиз ўндирилган пул маблағлари (солиқлар, мажбурий тўловларнинг давлат солиқ хизмати органдан ўндириб тўғрисидаги даъво берилганлигини ҳисобга олиб, вилоят молия бошқармасини Хўжалик процессуал кодексининг 42-моддасига мувофиқ низоининг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган жавобгар томонидан учинчи шахс сифатида ишда иштирок этишга жалб қилган. Бу ҳақда Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги "Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 210-сонли қарорининг 10-бандига ҳўжалик судларига муҳим тушунириш берилган.

Суд ногиронлар жамияти вилоят бўлими ва вилоят молия бошқармаси вакиллари суд мажлисида сабабсиз қатнашмаган, деб топиб, ишдаги мавжуд ҳужжатлар низоини мазмунан тўғри хал этиш учун етарли, деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 130-моддасига мувофиқ ишни даъвогар ва учинчи шахс вакиллари иштирокисиз қўриб чиққан ва ҳал қилув қарори қабул қилган.

Шундай экан, савдо фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар ягона солиқ ва ягона ижтимоий тўловни тўлаши шарт. Улардан белгиланган тартибда ва ставкаларда ўндирилган солиқлар ҳамда мажбурий тўловлар қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган "Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги Низомнинг 27-банди ҳамда Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 11 июлдаги 56-ум-сонли буйруғига асосан Ботиров Зулфидор Абдуқодиоровичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган "Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги Низомнинг 27-банди ҳамда Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 11 июлдаги 57-ум-сонли буйруғига асосан Қаримжанова Мукаррамнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Мулоқот

Глобаллашув жараёнида интернетнинг ўрни

XXI аср — ахборот ва ахборот технологиялари асри, деб бежизга айтилмайди. Бугунги кунни интернет, глобал ва локал компьютер тармоқисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ижтимоий ҳаёт, таълим ёки маданият, спорт ёки ишлаб чиқариш, дейсизми у кириб бормаган бирон соҳа қолмади. Айнан ахборот технологиялари ҳисобига оғиримиз енгил, узогимиз яқин, мушкулларимиз осон бўлмоқда. Аммо... Ахборот технологияларининг ажралмас қисми бўлмиш интернетнинг ёшлар онига салбий таъсири ҳам борки, бундан ҳў юмиб бўлмайди. Тошкент давлат техника университетининг "Бошқаришда ахборот технологиялари" кафедраси муdiri Ориф ЗАРИПОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда.



ИНТЕРНЕТ — бу ҳақон бўйича тарқатилган, компьютер тармоқларидан ташкил топган яхлит тармоқ. Интернет тармоқидидаги ахборот ҳажми бениҳоя улкан. Информацион жараён ижобий бўлишдан ташқари унинг салбий томонлари ўзига хос маънода фойдаланидир. Тармоқнинг жараёнида ҳар бир ахборот кучи стратегик мақсадда амалга оширилади. Интернетдаги реал ва нореал, яъни ҳақиқат ва бўҳтон маълумотлари эса маънавияти юксак инсонгина фарқлай олади.

Интернет орқали тарқалган ахборот чегара билмаслиги учун ҳам глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Ундаги айрим хабарлар бузғунчилик ҳаракатларини содир этишга ундайди. Ҳозирги вақтда бундай ахборот тарқатиш усулларида турли экстремистик гуруҳлар, бузғунчи ташкилотлар фойдаланиб келаётгани дунёни ташвишга солмоқда.

— Ахборот маконида турли таҳдидлар мавжуд бўлган ҳозирги шароитда ёшлар учун соғлом ахборот муҳитини яратишда нималарга эътибор бериш лозим, деб ўйлайсиз?

— Баъзан интернет кафедрани тўлдириб ўтирган ёшлар асосан "чат"дан фойдаланаётганини кўрамызу, интернет ёшлар учун танишув майдони, бу уларни бузди, деб осонгина ҳулоса чиқариб қўямиз. Аслида ҳам улар интернетнинг фаол фойдаланувчилари эмас, агар шундай бўлганида у орқали ахборот олган, тил ўрганган, масофавий таълим имкониятларидан фойдаланган, жамиятда ўз ўрнини топишга интилан бўларди.

Интернет танишув макони эмас!

Ҳулоса қилиб айтганда, интернет тармоқидан фойдаланувчилар сонининг 64 фоизи ёшлар бўлгани учун "номақбул" ахборот хуружларидан сақланишимиз керак. Чунки бундай маълумотлар миллий кадриятларимизга, урф-одатларимизга, ўсим келатган авлоднинг маънавий

дунёсига, тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Айрим ёшлар беихтиёр ахборот олиш, шунингдек, тарқатиш субъектига айланганини сезмаган ҳолда, интернетдан видеолавҳалар ва миллий маънавиятимизга тўғри келмаган маълумотларни кўчириб олиб, дўстларига тарқатмоқда. Ахборот хуружининг ёшлар онига, жамият тарқатишга, миллий менталитетимизга солаётган таъдиди хатарли. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ахборот-коммуникация соҳасида қатор қонунлар қабул қилинган ва амалиётга жорий этилган.

Мақтабга таълим муассасалари ва мактабларда фарзандларимиз билан оналар иштирокида тушунириш ишларини йўлга қўйиш, миллий тармоқда ёшлар учун мўлжалланган, уларнинг дунёқараши, қизиқишлари, ҳисобга олинган ҳолда веб-сайтлар очиб, ёшларнинг ахборот-психологик ҳавфсизлигини таъминлашга доир илмий асосларни яратиш, таълим муассасаларини интернет тармоқига улашда одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ бўлмаган веб-сайтлардан фойдаланишга чекловларни жорий этиш, мафқуравий иммунитетни шакллантириш, медиасаводхонлиги ва интернетдан фойдаланиш маданиятини ошириш, турли хуружлардан ҳимоя қилиш технологияларини янада такомиллаштириш лозим.

— Бундай ижтимоий ҳавфи юқори бўлган глобал интернет тармоғи муаммоларига қарши курашиш долзарб масала. "Жаҳон ўргимчак тўри"нинг чегараси борми?

— Шунини алоҳида қайд этиш кераки, бугун интернетдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш авж олиб бормоқда. Инсонлар онига бир қарашда арзимас бўлиб туоладиган кичкина хабар ҳам глобаллашув шиддатида куч олиб, кўзга кўринмайдиган лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб ва ўлчаб бўлмайдиган даража-

да улкан зиён етказиши мумкин.

Бугунги интернетда "кибертерроризм" вужудга келган. Бу эса айрим шахслар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда агрессив мақсадда ахборот хуружини уюштиришида намойён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда давлат ҳавфсизлигини таъминлаш, халқ манфаатларига зид бўлган ахборотлар тарқатилишининг олдини олиш мақсадида айрим мамлакатлар глобал интернет тизимидан ўзилиб, мутлақо миллий ички "ўргимчак тўри"ни яратишни режалаштирмоқда, хорижий ижтимоий тармоқларни, сайтларни ёпиш, сўзларни "филтр"лаш бўйича ишларни амалга оширмоқдалар.

Масалан, Хитойда интернет ҳавфсизлигини таъминловчи махсус "Ватанпарвар" "хакерлар", деб номланган ташкилот мавжуд. Ушбу ташкилотда 20 мингдан ортиқ компьютер мутахассиси фаолият юритади. "Ватанпарвар" "хакерлар" мамлакатга ҳавф солувчи "номақбул" ахборот хуружларининг олдини олади.

Ҳозирги пайтда, дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатда "Интернет ҳимоячилари" гуруҳи ташкил этилган ва уларга йилга 1,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ сарфланмоқда. Масалан, Хиндистондаги таълим муассасаларида "электрон ҳавфсизлик факультети"лари мавжуд. Ҳар йили ушбу факультетни муваффақиятли тугатган талабалар "Интернет ҳимоячилари" сафига ишга қабул қилинади.

Мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни жадал ривожланиб бормоқда. Албатта, бунда ёшларнинг ўрни алоҳида. Мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этар экан, глобаллашув, яъни ахборот маконида турли таҳдидлар мавжуд бўлган ҳозирги шароитда ёшлар учун соғлом ахборот муҳитини яратиш лозимдир.

Ёшлар онига бунёдкор гояларни сингдирмоғимиз шарт. Акс ҳолда улар онига маънавий бўлиш пайдо бўлади уни шу заҳоти бузғунчи гоялар эгаллайди. Интернет тармоқларининг ёшларимиз онига салбий таъсири психологик нуқтани назардан қарасак, инсонияси тез шаклланивчан ва мослашувчандир. Бундай шароитда назорат қобилиятини шикаст этиди ва одамийлик чегарасидан узоқлашади. Интернетнинг ижобий мўъжизалари ҳам бисёрки, у интеллектуал салоҳиятимизни янада юксалтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Интернет — қўштирноқсиз ёзилмайдиган мўъжиза. Алломалар айтганидек:

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё. Шундай экан интернетдан фойдаланувчи ҳар бир инсон интернетдан ақлий салоҳиятини оширувчи ҳикмат излашдан тўхтамасин.

"Инсон ва қонун" жамоатчи муҳбири Шухрат ИСЛОМОВ суҳбатлашди.

Реклама ва эълонлар

Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)

қўидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада

"ФАРОВОН ТУРМУШ"

Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Хорижий валютада

"ИШОНЧЛИ" (АҚШ долларида)

Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: "Асака" банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
Андижон вилояти филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

"Асака" банк — сармоянгузни сақланиши ва кўлайлигини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.



CHINA UNION PAY

135 стран

Низкая комиссия

Возможность проверки баланса зарубежом

InfinBANK

Международные пластиковые карты

Xalqaro plastik kartalari

www.infinbank.com

140 50 60

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
саноати вазирлиги
0081-рақамли билан
рўқбатнома олинган

www.minjust.uz

Бош
муҳаррир:
Қўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ражабова Макжуда
Абдуллаева
Қўчқор Тоғоев
Турсунов Тулқин Мирзаевич

Очилов Аллоҳи Мухлисович
Султонов Алимқул
Тошбекович
Мамадалиев Зайяддин Очилов

Навбатчи:
Ербек
ИСКАНДАРОВА
Саҳифаловчи:
дизайнер:
Тўлқин
РАУПОВ

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририятни компьютер базасида
терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет
усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма №7641. Тиражи — 17278.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайитлоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50

Баҳоси қўйилган нархда
1 2 3 4 5